

Транспорт ижараси буйича  
№ 2 - сонли ШАРТНОМА

«19» Декабрь 2022 йил

Бешарик шаҳри

Бешарик тумани Ҳайитбоев Камиль келажани низоми асосида ҳаракат қилувчи номидан жамият раҳбари Ҳ. Ҳайитбоев келгуси матнларни «Бажарувчи» деб номланувчи бир томондан ва иккинчи томондан «Буюртмачи» Бешарик тумани «Мудофаа ишлари бўлими» ўз низоми асосида иш юритувчи А. Муратов шартномани куйидаги таъриф бандлари асосида тузадилар.

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига асосан йўловчиларни ташиш учун ўзига тегишли бўлган автотранспорт воситаларини ижарага беради.
- 1.2. «Бажарувчи» бажарилган ишлари учун шартноманинг қуйи бандларида келишилган автотранспорт ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб беради. «Буюртмачи» нинг хар кунги аниқлаб берадиган автотраспорт буюртмасига қараб автомашинани ажратади.

**2. ХИСОБ – КИТОБ ШАРТЛАРИ.**

- 2.1. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 33 744 000 (ўттиз ўч миллион етти юз кичик тўрт миң) сўми ташкил қилади.
- 2.2. «Бажарувчи» автотранспорт ижарага бергандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, кўрсатилган хизматлар учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. «Буюртмачи» олдиндан 2022 йил ойма ойида тўлов жадвалига асосан 30% миқдорида 10 123 200 сўм (10 миллион бир юз илтириш ўч миң икки юз) сўм аванс тўловни амалга оширади, ҳамда тўлиқ ҳисоб – китобни йил давомида амалга оширади.
- 2.3. Автотраспорт арендаси учун нарх ўзаро белгиланган ҳолда белгиланади. Бунда ўша кунга ҳудуддаги ўрточа бозор нархлари асос қилиб олинади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида кўрсатилган хизматлар учун белгиланган нархлари юқори деб топилса, ушбу фарқ «Бажарувчи» зиммасидан қопланади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТИ**

**3.1. «Буюртмачи»нинг мажбурияти:**

- Транспортнинг узлуксиз ишлаб бўш туриб қолмаслиги учун шароит яратиб беради ва ўз вақтида давлат стандартига мос келадиган махсулотларни ёки ўзига тегишли бўлган мулкларни таъминлайди.
  - Ташилган йўловчиларни олиб бориб келганлиги тўғрисида ҳужжатларни хар кунни тасдиқлаш.
  - Келишилган сўм миқдорини тўлаб беради.
- Автокорхона ҳудудидан юк ва йўловчи ташиш ва юкни ортиш жойигача булган масофа учун (падача) алоҳида тулаб беради.

**3.2. «Бажарувчи» нинг мажбурияти:**

- «Буюртмачи» томонидан берилган буюртмага мувофиқ зарур миқдорда ва муддатда автотранспорт ажратади.
- «Буюртмачи» автотранспортни ёниги билан таъминланган тақдирда ёнилғилар учун ҳақ олмасдан хизмат ҳақидан чиқариб ташлайди.
- Юк, транспорт ҳужжатини расмийлаштириш ва бу ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг туғрилиги учун масъул булган тарафларнинг шахслари жавобгардирлар.

**4. ХИСОБ – КИТОБ ШАРТЛАРИ**

- 4.1. «Буюртмачи» йўловчи ташиш учун ва бошқа барча тўловларни шартноманинг 2.2 банди муддатида амалга оширади.
- 4.2. Хизмат ҳақи тўлаш «Буюртмачи» томонидан ҳисоб рақамига етарли маблағ молиялаштирилгандан сўнг амалга оширилади.
- 4.3. Автотранспорт ижараси хизмат ҳақи хар бир автобуслар учун 1 соат учун 97 100 сўм (97 100 сўм) сўм, хар бир дамас автомашиналари учун 1 соат учун 43 500 сўм (43 500 сўм) сўм килиб белгиланади.
- 4.4. Автотранспорт хизмат ҳақи тўлдирилган ҳужжатлар асосида хар бир бажарилган иш учун тариф асосида тўланади.
- 4.5. Шартнома муддати даврида ёқилгининг нархи ўзгарса хар бир бажарилган иш учун белгиланган тариф нархи ўзгаради.
- 4.6. Давлат буюртмасидан ташқари ҳолатда ҳисоб-китоб амалдаги тариф бўйича амалга оширилади.

**5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Тарафлар ушбу шартноманинг 1.1, 1.2, 2.2 бандларини узирсиз сабаблар билан бажармаган тақдирда иккинчи тарафга шартномага асосан кўрсатиладиган хизмат суммасининг 20% миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. «Буюртмачи» шартнома бўйича кўрсатилган хизматлар ҳақини ушбу шартноманинг 2.2 бандига асосан тулаб бермаса, хар бир кечиктирилган кун учун 0.4% миқдорида пеня тўлайди, лекин шартноманинг 2.1 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима тўлаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

- 5.3. «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиб берилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида иш бажармаса, хар кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорда пеня тулайди лекин шартноманинг 2.1 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаслиги керак.
- 5.4. Тарафлар ўзаро келишилган холда ўртадаги низони хал қиладилар.
- 5.5. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармасдан иккинчи тарафга тўланадиган жарима ва пенялардан ташқари моддий зарарни тулаб беришни хам кафолатлайди.

### 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ:

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низолар келиб чиққан тақдирда тарафлар қоидага кўра мустақил равишда муаммоларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожат қилишга ҳақлидирлар.
- 6.3. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ тарафлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг узаро келишуви ёхуд конун хужжатларида белгиланган тартибда хал этилади.
- 6.4. Ушбу шартномада назарда тутилганидан бошқача, тарафлар келишувида кўзда тутилмаган ҳолатлар юз берган тақдирда уни тарафлар фуқароси кодекси ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги конунга амал қилган холда хал қиладилар.

### 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

- 7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан тегишли ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.
- 7.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.
- 7.3. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Бажарувчи» томонидан етказиб берилган маиший хизмат техникаларини «Буюртмачи» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2 бандлари бажарилмаганда шартнома «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Бекор қилинган тўғрисида «Буюртмачи» «Бажарувчи» га ёзма равишда, асосларни келтирган холда хат билан маълум қилади.

### 8. Форс – мажор ҳолатлари.

- 8.1. Форс – мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан Янги конун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқарадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қушимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

### 9. Қушимча шартлар.

- 9.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Узаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Хўжалик судлари орқали хал қилинади.
- 9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина ғазначилик бошқармаси (бўлинмаси)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг конуний кучга киради. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.
- 9.3. Шартнома барча ўзгартиришлар икки томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган холда конуний деб ҳисобланади.




### 10. Томонлар юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»



Мудофаа ишлар бўлими  
 Манзил : Олтин водий 150 уй  
 Телефон: 97-271-22-70  
 ШҲР: 100021860302157021102172001  
 Ташкилотнинг ИНН: 200 154 673  
 Бешариқ тумани Ғазначилик бўлими  
 ЯҲРР : 23402000300100001010  
 Банк номи: Тошкент Марказий Банк (ХККМ)  
 МҲО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар:   
 Юрист:   
 Адвокат:   
 102-рўйхат

Раҳбар:   
 (имзо)

**204143 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилади.

Муҳокама тугаган сана:

16.12.2022 09:26

Комиссия раиси:

KARIMOV AZIZJON ZOKIROVICH